

ГАЙБУЛЛАЕВ Сандаҳмадхон Саматхонович

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
«Ислом тарихи ва манбаишунослиги-IRCICA»

кафедраси ўқитувчиси
исломишунослик фанлари бўйича фалсафа

доктори

e-mail: gaybullayev1989@mail.ru

ПАЗДА АЛЛОМАЛАРИНИНГ ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

THE SCIENTIFIC HERITAGE OF THE SCHOLARS OF PAZDA CITY IN THE DEVELOPMENT OF ISLAMIC CIVILIZATION

РОЛЬ УЧЁНЫХ ИЗ ГОРОДА ПАЗДА В РАЗВИТИИ ИСЛАМСКОЙ ЦИВИЛИЗАЦИИ

Аннотация: Мақолада Қашқадарё воҳасидаги қадимий Пазда шаҳри тарихи, унда шаклланган моддий ва маданий мерос ҳақида маълумотлар таҳлил этилган. Паздадан етишиб чиққан ўндан ортиқ Паздавий алломалар илмий фаолияти, уларнинг Мовароуннаҳрда илм-фан ривожига ва тамаддуни тараққиётига қўшган ҳиссаси ёритилган. Шунингдек, улар ёзган асарларнинг илмий аҳамияти ҳамда кейинги давр адабиётларида назарий ва услубий жиҳатдан таъсири очиб берилган.

Калит сўзлар: Паздавий алломалар, Шарқ ренессанси, ислом илоҳиёти, усул ал-фикҳ, фақиҳ, матуридия таълимоти, ҳадис, Насаф.

Аннотация. В статье анализируется история древней Пазды находящийся в Кашкадаринском Оазисе, её просветительское и культурное наследие. В статье освещена жизнь, научная деятельность и вклад более десяти ученых из Пазды в развитие исламского богословия и просвещения в Мавераннахре. Также представлена информация о важности их научных работ и о влиянии на литературу последующего периода.

Ключевые слова: Паздавийские ученые, Восточный ренессанс, исламское богословие, усул аль-фикх, факих, учение матуридия, хадисы, Несеф.

Abstract. The article examines information on the ancient Pazda of Kashkadarya Oasis, its history and tangible as well as intangible heritage. Article sheds light on the life, scientific activity and contribution of more than ten Pazdavian scholars from Pazda to the development of Islamic theology and education in Mavarannahr. It also provides information on the importance of their scientific work and the impact on the literature of the subsequent period.

Key words: Pazdavian scholars, muslim Renaissance, Islamic theology, usul al-fiqh, faqih, Doctrine of Maturidiyyah, hadith, Nasaf.

КИРИШ

Сўнги йилларда мусулмон ренессансига асос солган улуғ аждодларимиз, улар томонидан яратилган – ҳозиргача маърифатли дунёни ҳайратга солиб келаётган илмий меросни ўрганиш, улар асос солган илмий йўналишлар, мактаблар, анъаналарни давом эттириш бўйича жуда кўп хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай хайрли ишлардан бири «Ўзбекистондаги Ислом цивилизациясини ўрганиш маркази»ни ташкил этилгани. Марказ ўз олдида тарихдан Мовароуннаҳр шаҳарлари ва уларда илмий фаолият билан шуғулланган алломалар ва уларнинг илмий меросини ислом цивилизацияси тараққиётига қўшган ҳиссасини ўрганишни бош мақсад қилиб олган.

Қашқадарё воҳасида жойлашган кўҳна «Пазда» ёки «Базда» шаҳарчаси кичик ҳудуд бўлишига қарамай илк ўрта асарларда илм-фан марказларидан бири бўлган. Фаннинг турли соҳаларида Паздавий нисбаси билан фаолият юритган алломалар ҳам жуда кўп. Улар ёзган асарлари орқали илм-фаннинг ривожига салмоқли ҳисса қўшишган. Паздавий алломалардан улкан илмий мерос қолганига қарамай улар ҳақидаги илмий изланишлар жуда кам. Мавжуд тадқиқотлардан Пазда шаҳарчасидаги илм-фан тараққиёти ва ҳудуддан етишиб чиққан олимлар ҳамда уларнинг фан тараққиётига қўшган ҳиссалари ҳусусида муайян ҳулосаларга эга бўлиш имконияти йўқ. Мазкур мақолада тарихий-географик адабиётлар, Паздавий алломалар асарлари ва улар оид тадқиқотлар асосида илк ўрта асарларда

Пазда шаҳридаги илмий муҳит ва Паздавий алломлар илмий фаолияти ўрганилди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Қашқадарё воҳасининг қадимий манзилларидан бири «Пазда» шаҳарчаси кичик ҳудуд бўлишига қарамай илк ўрта асарларда илм-фаннинг марказларидан бири бўлган. Мақолада «Паздавий» (پزدوي) нисбаси билан фаннинг турли соҳаларида фаолият олиб борган йигирмадан ортиқ олимлар номи ва уларнинг қирқдан ортиқ илмий асарлари борлиги аниқланиб, уларнинг аксари ҳозиргача сақланиб қолгани ҳамда ҳар бири ислом ҳуқуқи, ислом фалсафаси ва тилшунослик назариялари бўйича фундаментал манбалар экани таҳлил этилган. Тарихий ёзма манбаларда «Пазда» шаҳарчаси (Арабча манбаларда بَزْدَة) – Базда, форсий, туркий ва ўзбек тилидаги манбаларда «پَزْدَة» «Пазда» шаклида келган) эра бошларида Қашқадарё воҳасининг жанубий-ғарбий этакларида вужудга келган йирик аҳоли манзили бўлиб, XIII аср бошида содир бўлган муғуллар босқини сабаб Ўрта Осиёдаги кўпгина шаҳарлар қатори Пазда ҳам харобага айланган ва бу ҳудуд ҳозирда Қашқадарё вилояти Касби тумани, Пазли қишлоғи ҳудудига тўғри келиши қайд этилган[1; 176].

X аср араб географи Ибн Хавқал ўзининг қайдларида Насафдан Бухорога кетиш йўлида ундан 4 фарсах (1 фарсах - 6 километрга тенг) узоқликда Касба шаҳарчаси, 6 фарсах узоқликда «Пазда» шаҳарчаси жойлашгани ва ушбу икки шаҳарда ҳам жомий масжид бўлгани зикр этилади[2; 67]. Мазкур даврга оид яна бир географик-тарихий асар «Худуд ал-олам» (Олам чегалари)да Пазда деҳқончилик яхшигина ривожланган шаҳар сифатида тавсифланади ҳамда экинзорлар ҳудуддан йилнинг маълум мавсумида оқиб ўтувчи дарё ўзанидан, аксар ҳолатда эса қудуқ ва сув ишноотларидан суғорилиши қайд этилган[3; 13]. XII асрнинг машҳур тарихчиси Абдулкарим Самъоний (1163-1167) Пазда Насафдан олти фарсах узоқликда жойлашган баланд ва мустаҳкам қўрғоннинг номи экани ва у жойда бир муддат бўлиб, ҳудуддаги олимлардан дарс олганини

зикр этган[4; 188]. Академик В.В.Бартолд ҳам Паздани Қашқа воҳасидаги шаҳарлар қаторида санаб, тарихий манбаларга таёнган ҳолда ундаги жомей масжид яқинида ғишт қуйиш ва пишитиш тандирлари мавжуд бўлганини қўшимча қилган[5; 207].

Келтирилган маълумотлар асосида Насаф ва Бухорони боғлаб турувчи асосий йўл устида жойлашган Пазда шаҳри савдо-сотик марказларидан бири бўлган дейиш мумкин, шунингдек, шаҳарда деҳқончилик ва сув хўжалики тараккий этганидан шаҳар аҳолиси иқтисодий жиҳатдан анчагина бақувват бўлганини билиш мумкин. Қолаверса, шаҳар мустаҳкам қўрғон билан ўралгани ҳамда масжид ва қурилиш ашёлари таёрловчи махсус заводларга эга экани Паздада бунёдкорлик ҳам яхшигина ривожланганини англатади. Базда ва унга яқин бўлган Касби шаҳри қалъалари бир вақтда қурилган бўлиб, ўртада 20 км.ча масофа бўлишига қарамай бирдан иккинчиси кўриниб турган. Шаҳар қалъаси Қашқадарёдаги қадимий Шулуқтепадан 40 км ва Қамаш қишлоғидан 10 км жануби-ғарбда жойлашган бўлиб, энг пастки қатламлари I-II асарларга мансубдир[2; 220].

Маълумки, Илк ўрта асрларда масжидлар нафақат ибодат учун тўпланадиган жой, балки айрим сиёсий масалалар ҳал этиладиган ҳамда аҳолига таълим бериладиган маскан бўлган. Шунингдек, қуйида номлари зикр этилган ўндан ортиқ Паздадан етишиб чиққан машҳур муҳаддис ва фақиҳлар таржимаи ҳолида улар маълум муддат Пазда шаҳрида талабаларга дарс бериш билан машғул бўлгани қайд этилади. Мазкур ҳолатлар XIII асрларгача Паздада илмнинг турли соҳалари ривожланганига далолат қилади.

Манбаларда зикр этилган Паздавий олимларлардан дастлабкиси Азиз ибн Салим ибн Мансур Басрий Паздавийдир. Азиз ибн Салим араб лашкарбошиси Қутайба ибн Муслим (669-715)нинг дўсти бўлган. У билан 704-715 йиллар оралиғида Басрадан Паздага келган ва умрининг охиригача аҳолига янги дин – исломнинг кўрсатмаларини ўргатиб шаҳарда қолгани учун Паздавий нисбасини олган[6; 81].

Абу Талха Мансур ибн Муҳаммад ибн Али ибн Қарийна Паздавий (ваф. 329/941 й.) Паздадан етишиб чиққан илк муҳаддис ва Имом Бухорий (810-870) шогирди сифатида танилган. «ал-Жомий ас-саҳих» (Ишончли тўплам) асарини муаллиф Бухорийдан ривоят қилган охирги шогирдидир. Абу Талха Паздавий Насафда узок вақт ҳадис илмидан кўп сонли талабаларга дарс бериш билан машғул бўлган[7; 144]. Шунингдек, Убайдуллоҳ ибн Амр ибн Ҳафс Паздавий (ваф. 323/935 й.), Юсуф ибн Муҳаммад ибн Одам ибн Исо Қассор Паздавий, Абу Сулаймон Довуд ибн Наср ибн Суҳайл Паздавий номлари ҳам тарихда ўтган йирик олимлар қаторида зикр этилган.

Паздадан етишиб чиққан олимларнинг энг машҳурлари Абдулкарим Паздавий (912-999) ва унинг авлодлари: ўғли Ҳусайн, набираси Муҳаммад, унинг икки ўғли Фаҳрул-ислом Абул Уср Паздавий (1009-1089) ва Садрул-ислом Абул Юср Паздавий (1030-1100) ҳамда уларнинг фарзандлари Ҳасан ибн Фаҳрул-ислом (1078-1161) ва Аҳмад ибн Абул Юср Паздавий (1088-1147)лар бўлиб, уларнинг илмий фаолияти орқали ҳанафий фикҳи ва мотуридия ақидавий таълимоти ўзининг тараққиёт чўққисига чиққан.

Абдулкарим ибн Мусо ибн Исо ибн Мужоҳид ибн Абдуллоҳ Паздавий ҳаёти ва илмий мероси ҳақида кам сонли маълумотлар мавжуд. Манбаларда, Абдулкарим Паздавий имом Абу Мансур Мотуридий (870-944)дан дарс олиб фақиҳ, мутакаллим, муҳаддис бўлиб етишгани ва устозидан Абу Ҳанифанинг «ал-Олим вал-мутаъаллим» (Устоз ва шогирд) асарини ривоят қилгани келтирилган. Шунингдек, устозлари силсиласи имом Мотуридий орқали мазҳаббошилар Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний ва Абу Ҳанифага етиб бориши қайд этилган[8; 392].

Абдулкарим Паздавий шогирдлари қаторида Хатиб Исмоил ибн Абдуссодиқ ибн Абдуллоҳ ва Абу Абдуллоҳ ал-Ғанжор номли фақиҳлар номларигина келтирилган[4; 190]. Абу Ҳафс Умар Насафий «Китоб ал-қанд» асарида Абдулкарим Паздавийдан унинг авлодлари орқали бир неча ҳадисларни ривоят қилган[9; 415].

Абдулкарим Паздавийнинг набираси Муҳаммад ибн Ҳусайн ибн Абдулкарим Паздавий ҳам ўз даврининг йирик фақиҳи бўлиб, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида қозилик қилгани маълум[10; 362]. Муҳаммаднинг икки фарзанди Али Абул Уср ва Муҳаммад Абул Юср Паздавийлар эса ҳанафий фикҳи ва мотуридия ақидавий таълимоти ривожига муҳим шахсиятлар ҳисобланишади.

Али Абул Уср ибн Муҳаммад Паздавий (1010-1090)нинг Фаҳрул-ислом (Исломнинг ифтихори) номи билан танилган бўлиб, унга берилган «Абул Уср» (Қийинчилик отаси) куняси ёзган китоблари юқори савияли, уларни тушунишда муайян илмлардан хабардорлик талаб этилганидан келиб чиққани, фарқли равишда укаси Муҳаммаднинг асарлари содда, услуби енгил ёзилганидан унга «Абул Юср» (Осонлик отаси) куняси билан танилган ҳақида Абдулҳай Лакнавий (1848-1887) хабар берган[11; 126].

Фаҳрул-ислом Паздавийнинг усул ал-фикҳ (ислом ҳукуқи назарияси) фанига оид «Канзул вусул ила маърифти-л-усул» (Усул илмини ўрганишдаги хазина) асари «Усул ал-Баздавий» номи билан танилган бўлиб, ҳанафий усул ал-фикҳнинг асосий қўлланмаси шуҳрат қозонган ва ушбу асарга жуда кўп шарҳлар битилган. Шунингдек, Фаҳрул-ислом Али Паздавий «Кашфу-л-астор фи-т-тафсир» (120 йигирма жилдлик), «Шарҳу Жомий-л-кабир», «Сийрату-л-мазҳаб фи сифати-л-адаб», «Шарҳу Жомий-с-саҳих» (Имом Бухорийнинг «ал-Жомий ас-саҳих»га ёзилган шарҳ), «Ғиноу-л-фуқаҳо фи-л-фуруъ», «Мухтасару Таквиму-л-адилла», «Шарҳу Таквимул адилла фил-усул», «Шарҳу Жомийус сағир», «Зиёдоту-з-зиёдот», «Китоб ал-мабсут», «Заллату-л-қорий», «Шарҳу Фикҳул акбар», «Амолий», «ал-Муяссар фил калом», «Шарҳу Мухтасару-л-Қудурий» номли асарлар ҳам таълиф этган бўлиб, уларнинг аксари бизгача етиб келган[12; 46].

Фаҳрул-ислом Али Паздавийнинг фарзанди Абу Собит Ҳасан ибн Али Паздавий (470/1078 557/1161) ҳам ўз даврининг бир неча етук олимларидан таълим олиб йирик фақиҳ ва муҳаддис бўлиб етишган. У бир муддат Марвда

истикомат қилганидан кейин Самарқанд қозилигига сайланган. Абу Собит Ҳасан 542/1146 йили амакиваччаси Абул Маъолий Аҳмад вафот этганидан сўнг унинг ўрнига Бухоро қозиси этиб тайинланган ва ҳаётининг охирларида Пазда шахрига қўчиб ўтади ва шу жойда вафоти (в. 557/1161)га қадар ибодат ва талабаларга ҳадис илмидан дарс бериш билан машғул бўлган[11; 108].

Сирожиддин Али ибн Усмон Уший (ваф. 575/1175 й.) ва Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний (1163-1167)лар Абу Собит Ҳасан Паздавийнинг яқин шогирдларидандир. Сирожиддин Ўший устози Абу Собит Ҳасандан Абу Абдуллоҳ Тоҳир Марвазийнинг (ваф. 410/1019 й.)нинг «Уъюн ал-Мажолис» ва Абу Мутиъ Макҳул ан-Насафий (ваф. 218/833 й.)нинг «ал-Луълуъиёт» асарларини, Абдулкарим Самъоний эса Али ибн Абдулазиз ал-Бағавийнинг «Муснад ал-кабир» (Катта ҳадис тўплами) асарини ўқиб ўрганганини қайд этишган[13; 3].

Фахрул-ислом Паздавийнинг укаси Абул Юср ибн Муҳаммад Паздавий асосан ақида илмига оид «Усулу-д-дин» (Дин асослари) асари билан танилган бўлиб, Мотуридия ақидавий таълимоти ривожига катта ҳисса қўшган[6; 88]. Олим Самарқанд ва Бухоро шаҳарларининг бош қозиси бўлгани ва жуда кўп олимларга дарс бергани ҳақида шогирди Нажмуддин Умар Насафий (1069-1142) шундай деган: «Абул Юср Мовароуннахр илм аҳллариининг устози, имомлар етакчиси. мажлисларига турли ўлкалардан дарс олиш мақсадида кўп сонли талабалар келашарди. Усул ва фуруъда бир неча китоб таълиф этган ва Самарқанд қозилигига тайинланган ҳамда шаҳарда бир муддат ҳадислар имло қилган эдилар»[14; 33].

Абул Йуср Паздавий Мовароуннахрда мотуридия ақидавий таълимоти ривожига катта ҳисса қўшган. Унинг пойтахт Самарқанд ва Бухородаги фаолияти мотуридия таълимотини минтақада устувор ақидага айланишига сабаб бўлди. Кейинчалик шогирдлари Абул Муин Насафий (ваф. 1115 й.), Нажмуддин Умар Насафий (1069-1142), Алоуддин Самарқандий (ваф. 1143 й.), Нуриддин Собуний (ваф. 1184

й.) ва Иброҳим Саффор (ваф. 1139 й.)лар илмий фаолияти, асарлари орқали мотуридия таълимоти Мовароуннахр, Хуросон ва қўшни ҳудудларга ҳам кенг тарқалди ва турли хил адашган ақидаларни сиқиб чиқарди[15; 154].

Абул Юср Паздавий 493/1100 йил 69 ёшида Бухорода вафот этган[15; 188]. Аллома кўпгина асарлар таълиф этган бўлса-да, ақидага оид «Усулу-д-дин», фикҳга оид, «Шарҳу жомеъу-с-сағир», «Таълиқот», «ал-Мураттаб», «ал-Воқиат», «ал-Мабсут» ва араб тили грамматикасига бағишланган «Шарҳ ал-Ажрумия» асарларигина бизгача етиб келган[6; 88].

Абул Юср Паздавийнинг фарзанди Абул Маъолий Аҳмад Паздавий ҳам забардаст олим бўлган ва «Қози садр» (илғор Қози) номи билан машҳур бўлган. Қози садр 481/1088 йили Бухорода туғилган[16; 118] бўлиб, катта олим бўлиб етилишига отаси ва устозлари Абул Маъийн Маймун ибн Муҳаммад Макҳул ва Абу Мансур Самарқандийлар хизмати асосий сабаб бўлган[11; 39].

Фақиҳ бир муддат Бухорода қозилик қилган ва кейинчаллик ҳаж зиёрати мақсадида йўлга отланиб, сафар давомида Марв ва Бағдод шаҳарларида маълум муддат талабаларга ҳадис илмидан сабоқ берган. Ҳаж амалини бажариб, юртга қайтаётганида 542/1147 йили Сарахсда ҳожилар қарвонига қароқчилар ҳужуми сабаб, кўпгина инсонлар қаторида Абул Маъолий Аҳмад ҳам ўлдирилган. Олимнинг жасади кишилар томонидан Бухорога олиб келиниб дафн этилган[11; 40].

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Пазда шахрида илм-фан тараққиёти тўрт асрдек узоқ вақт, XIII асрдаги муғуллар босқинигача давом этган. Пазда шахридаги илмий муассалалардан етишиб чиққан алломалар кейинчалик бутун мусулмон оламидаги илмий уйғонишга катта таъсир қилишган. Хусусан, Паздалиқ олимлар асарлари ҳанафийлик ҳуқуқ ва мотуридийлик ақидавий таълимотлар ривожланишида муҳим асослар бўлиб хизмат қилди. Жумладан, Фахрул-ислом Паздавийнинг «Усул» асари

ханафийлик ҳуқуқ таълимотини назарий асослар билан мустаҳкамлаган бўлса, Абул Юср Паздавийнинг «Усул ад-дин» асари мотуридия ақидавий таълимоти тараққиётини янги даражага олиб чиққан. Ҳар икки қўлланма ҳам ҳозиргача муҳим дарслик китоблар сифатида ўрганилгани уларга ёзилган кўп сонли шарҳ ва изоҳлардан маълум бўлади.

Тарихда ўтган Паздавий олимлар ҳақидаги маълумотларни жамлаш ва уларнинг асарларини алоҳида тадқиқотлар сифатида ўрганиш орқали жамиятдаги ислом маърифати ҳақидаги тушунчаларни бойитиш ҳамда Мовароуннаҳрдаги қадимий илмий марказлардан бири ҳақида хабардор бўлиш имконияти туғилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Равшанов П. Қашқадарё Тарихи. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 1995. – Б. 176.
2. Ибн Хавқал. Китоб сурат ал-ард: Мовароуннаҳр // араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи т.ф.д. Ш.С.Қамолддин. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий инциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2011. – Б. 67, 220.
3. Худуду-л-олам // форс тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи Бўриев О. – Тошкент: Ўзбекистон, 2008. – Б. 13.
4. Абдулқарим ибн Муҳаммад Самъоний. Китоб ал-Ансоб. – Т. II. – Қоҳира. Мактабату Тайм, 1980. – Б. 188, 190
5. Бартольд В.В. Работы по исторической географии // Соч. – Т. III. – Москва: Наука, 1965. – Тошкент. – Б. 207.
6. Абдуллоҳ Абдулҳамид Саъд. Ўрта Осий олимлари қомуси. – Тошкент: Имом Бухорий Республика илмий-маърифий маркази нашриёти, 2007. – Б. 81, 88.
7. Шамсуддин Заҳабий. Сияру аълам ан-нубало. – Тошкент: “Nilol nashr” нашриёти, 2017. – Б. 144.
8. Муҳаммад ибн Сулаймон Ҳанафий. Китоб аъламу-л-аҳяр. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 1997. – Б. 392.
9. Нажмуддин Умар Насафий. Китоб ал-Қанд фи зикри уламаи Самарқанд. – ар-Риёд: Мактаба ал-қавсар, 1991. – Б. 415.
10. Муҳаммад Хузарий. Тарих ат-ташриъ ал-исламий. – Қоҳира, Матаба ат-турос ал-арабий, 1934. – Б. 362.
11. Абдулхай Лакнавий. Ал-Фавоид ал-баҳийя фий тарожим ал-ҳанафийя. – Миср: Мактаба ас-саодат, 1324/1906. – Б. 126, 108, 39, 40.
12. Комилов М. Мовароуннаҳр фикҳ илмининг ривож ва Алоуддин ас-Самарқандий. – Тошкент: Истиқлол, 2006. – Б. 46.
13. Сирожуддин Уший. Нисоб ал-аҳбор. – Истанбул: Сулаймония кутубхонаси, Қўлзма: №1504. – В. 3а.
14. Ибн Қутлубуғо. Тожу-т-тарожим. – Леипсиг: Флугел, 1862. – Б. 33.
15. Рудолф У. Ал-Мотурудий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Тошкент: Имом Бухорий халқаро жамғармаси, 2001. – Б. 154, 188.
16. Абдулқодир Қураший. Жаҳоҳир ал-музийя. – Т: I. – Қоҳира: Ҳижр, 1993. – Б. 118.